



## Масъулият

# ХОТИРЖАМЛИКДА ЯШАШ — ОЛИЙ САОДАТ

2016 йилнинг сентябридан шу кунга қадар барча соҳалар сингари ички ишлар тизимида ҳам кенг қўламли ва пухта ўйланган ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ички ишлар органларини эл-юрт манфаатига хизмат қиладиган чинакам халқчил тизимга айлантириш йўлида катта ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 4-5-саҳифаларда)



## Муносабат

# ОНА ТИЛИМИЗ ЖОЗИБАСИ

2020 йил куз фаслининг илк оyi. Коронавирус деган офат дунёни ваҳимага солган, айниқса, ғарб давлатларида қурбонлар сони соат сайин ортиб бораётган, шу муносабат билан ҳамма жойдагидек бизда ҳам карантин жорий этилган, халқимизни бу ёвуз балодан асраш учун нимаки лозим бўлса, давлатимиз раҳбари бошчилигида тезкор чоралар кўриляётган кунлар эди.

Ана шундай бир пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75 сессияси чақирилди. Вазият дунё миқёсида тобора кескинлашиб бораётганлиги туфайли бу нуфузли ташкилотнинг халқаро анжумани онлайн тарзда ўтказилиб, унда Президентимиз БМТ тарихида илк маротаба ўзбек тилида нутқ сўзлади. Бу оламшумул воқеа миллатимиз қалбини чексиз қувонч ва фахруифтихор туйғуларига тўлдириб, ўзгача бир ғурур, ўзгача бир сурур бахш этганини тасаввур қилиш қийин бўлмас керак. Ахир, она тилимиз ўша лаҳзаларнинг ўзидаёқ не-не саҳролар, не-не тоғлар, не-не денгизлару океанлар, не-не мамлакатлар оша қадим ва буюк миллатимизу жонажон Ўзбекистонимиз овози бўлиб оламаро қўнғироқдек янграйди-ю, қувонмаймизми?! Дарвоқе, БМТ минбаридан янграган тилимиз фақат бизнигина севинтирдими? Йўқ! Бу шодухуррамлигимизга дунёнинг ўзбек тилида гаплашадиган эллик милёнга яқин аҳолисигина эмас, бутун муслмон олами шерик бўлиб, муборакбод этганлигини зўр мамнуният ила айтмасдан бўлурми? Йўқ! Мана сизга Мир Алишер Навоий бобомиз тилининг қудрати, ўзига милёнларни оҳанграбодек тортиши, мафтун этиши, ўзбекнинг ўзини, ўзлигини бўй-басти ила ёрқин кўрсатиши.

Буни қарангки, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида хизмат сафари билан оврўпо давлатларига борганимизда, “Сизлар Афғонистонданми?”, деб сўрашар, “Биз Ўзбекистонданмиз!”, дея жавоб берсак-да, улар бу номни эшитмагани учун “Покистонданми?” деб, яна саволга тутарди. Бундай саволлар Миср, Малайзия, Индонезия, Сингапур сингари бошқа мамлакатларда ҳам такрорланган, бизнинг самимият билан Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини тилга олиб, Имом Бухорий юртиданмиз, деган жавобимизни эшитган мезбонлар кучоқ очиб кўришганлар. Улар нафақат Имом Бухорий, балки Абдуҳолик Гиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Ибн Сино, Хоразмий, Беруний каби кўплаб бобокалонларимиз илмидан воқиф эканликларидан бениҳоя хурсанд бўлиб қайтганмиз.

Алишер Навоий тили халқимизнинг тарихини, илм-фани, маънавиятию маданиятини, адабиёт ва санъатини, шунингдек, унинг бу борада кейинги йилларда амалга оширган улуғвор ишларини аҳли оламга кенг тарғиб қилишда алоҳида ўрин тутишини юксак кадрлаган Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессияси минбаридан мағрур туриб, ўзбекона ғурур билан иккинчи бор ўзбек тилида нутқ сўзлаши бежиз эмас. Энг аввало, шуни айтиш жоизки, БМТга аъзо давлатлар раҳбарлари ҳузурида Президентимиз ўзбек тили ўзининг беқиёс даражада бойлиги-ю, пурмаънолиги, жозибалиги-ю, жанрангдорлиги, қудратлиги-ю, ҳароратлиги билан халқаро доирадаги машҳур тиллар қаторида туришга муносиблигини яна бир бор яққол кўрсатди. Иккинчидан, тилимизнинг кадр-қимматини жаҳон ҳамжамяти олдида баланддан-баланд кўтариб, ўз халқи ва ватанига бўлган беқиёс меҳр-мухаббатини амалда ёрқин ифода этди.

(Давоми 3-саҳифада)

## Ислохот

# ХАЛҚ ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Эсимда, бундан 5-6 йил аввал назаримда жамиятда ҳамма иш қўнғилдагидек эди-ю, раҳбарлар ўз ҳолича, халқ ўз ҳолича эди. Ахволинг қандай, деб сўрайдиган одамнинг ўзи йўқ эди. Раҳбарларнинг “иши” кўп, вақт орттириб, ҳафталаб навбатда туриб, қабулига келган одамнинг муаммосини ҳал қилиш ўрнига унинг ўзини айбларди. Бундай турғунлик, бундай эътиборсизлик одамларнинг жонига тегди, натижада халқ раҳбарларга ишонмай қўйди, ўртада тубсиз жарлик юзага келди.

Нихоят, замонлар ўзгарди, эскича қараш ва тамойилларга чек қўйиш вақти келди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу масалаларни обдан, кўп ва ҳўп ўрганиб, халқ қўнғилига йўл топишни юзма юз мулоқотдан, уйма-уй, хонадонма-хонадон юриб, одамларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишдан бошлади.

Ана шу мақсадда 2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниб, халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилади, деган тамойил асос қилиб олинди. Фармон асосида Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси ташкил этилди.

Тўғриси тан олиш керак, илгари ҳам халқнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, масъул мансабдор шахслар, маҳаллий ҳокимликлар вакиллари бор эди. Лекин ариза ва шикоят билан турли ташкилотлар ўртасида йиллаб сарсон бўладиган инсонлар шикоятчига айланарди. Шунинг учун мамлакатимизда янгидан бошланган ислохотлар инсон ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш, халқ билан давлат ўртасига ишонч кўпригини ўрнатиш асосига қурилди. Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг оғирини енгил қилиб, шарт-шароит яратиб бериш биринчи ўринга қўйилди.

(Давоми 2-саҳифада)



Мамлакатнинг ҳар бир гўшасида, ҳар бир кўчасини кезиб кўринг, қанчалаб мантиқсиз, тутуруксиз, савиясизларча саводсизлик тарғиботига гувоҳ бўласиз. Турли компания, хусусий ташкилот, объект номидан тортиб жимжимадор шиорларигача... Биргина мисол, Тошкент шаҳри – пойтахтдаги Фарғона йўли кўчасининг темир йўл устидан ўтган кўприқдан тушгач, Ислом ота масжиди оралиқ масофаси йўлнинг ўнг томонида янги

кўп қаватли уйлар қурилишига кўзингиз тўшади. Ушбу ҳудудни тўсиб турувчи реклама баннерларларида қурилиш ташкилоти, яъни пудратчи номи катта-катта ҳарфларда ёзилган: “SHAVKAT BULDING STROY”!(?) Ўзбек исми ёнида “булдинг”, “строй” сўзлари зеб бериб турибди. Бу ташкилотни ўйлаб топган одам унинг номланиши учун тузукроқ ўзбекча ном тополмадими?

(Давоми 6-саҳифада)

(Боши 1-саҳифада)

Бугун Президент халқ қабулхоналари том маънода фуқароларнинг нажот қалъасига айланиб бормоқда. Уларнинг мурожаатларига Президент даражасида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этади. Бунинг натижасида одамларнинг давлатга, жамиятга, эртанги кунга бўлган



ишончи ортмоқда. Давлатимиз раҳбари айтганидай: “Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган — шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам — шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз, биринчи навбатда, ким билан мулоқот қилишимиз керак — одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак — аввало, халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ биздан рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади”. Зеро, ҳозирги куннинг бош шiori мамлакатда яшовчи инсонларга фаровон турмуш яратиш, оғирини енгил қилиш, уларга меҳр улашишдан иборат ва албатта, бу амалда ўз натижаларини бера бошлади. Ўтган давр мобайнида халқ қабулхоналари аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ноёб тизимга айланди.

Самарқанд тумани қадимий ва навқирон шаҳарнинг шундоққина биқинида жойлашган кўп миллатли, сераҳоли ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун тумандаги халқ қабулхонаси ҳаммиша ўз дард-ташвиши, маҳалла ғами билан келадиган фуқаролар билан гавжум бўлади. Бугунги кунда уларнинг муаммолари, талаб ва таклифлари ўрганилиб, амалий ечимлар топилмоқда, баъзилари вилоят, республика миқёсида ҳал қилиниши учун юқори ташкилотларга юборилмоқда.

Ҳудудда комплекс ёндашув асосида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, тумanning Кониғил, Жўй Соё, Қўштамғали ва Қозиариқ ҳудудларида кўплаб қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари 2017 йилдан ҳозирга қадар Пулимўғоб, Паррандачилик, Гулобод, Кониғил, Оҳалик, Қозикўрғон, Дўстлик МФЙ, Меҳробод ва Илонсой аҳоли пунктлари “Обод қишлоқ” дастури асосида ободонлаштирилди, маҳаллалар кўркам қиёфага келтирилди. Жорий йилда барча дастурлар доирасида жами 55 км. йўлга асфальт қопламаси ётқизилди, йўллар шағаллаштирилди.

Ҳар бир маҳаллада маҳаллабай ишлаш тизими асосида трансформатор пункти, 17,0 км. электр узатиш тармоқлари ва 311 дона темир бетон устунлари ўрнатилди, Жарқишлоқ, Най-

затепа, Талибарзу поён, Жўй Соё, Паррандачилик, Чоршанбе, Янгиариқ, Пулимўғоб, Навобод, Жўйи Аббос, Диёр, Ражабамин маҳаллаларида ичимлик суви иншооти қурилди ва 22,2 км. масофага ичимлик суви тармоғи тортилди. Шу билан биргаликда аҳоли саломатлигини сақлаш борасида тизимли ишларни амалга ошириш мақсадида тиббий ходимлардан иборат бўлган мобил гуруҳлар ташкил этилиб афғон уруши қатнашчилари, Чернобиль аварияси оқибатларини бартараф этишда иштирок этган фуқаролар ва уларга тенглаштирилган аҳоли қатламига сайёр тиббий хизматлар кўрсатиш каби кўплаб тизимли ишлар амалга оширилди.

Ёши улуг кекса нурунийлар, оғир хасталикка чалинган ва тўшакдаги хаста фуқароларнинг хонадонларига бориб тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари доимий назоратга олинди. Биргина 2023 йилнинг 8 ойи давомида жами 86 341 нафар аҳоли

## ХАЛҚ ҚАЛЪИГА ЙЎЛ

тиббий кўриқдан ўтказилиб аниқланган касалликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, тоғли ва чекка ҳудудлардаги аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида тумanning бир қатор маҳаллаларига кўчма контейнерларда сифатли тиббий хизмат кўрсатилиши учун малакали шифокорларни фаолияти йўлга кўйилди. Кўп сонли аҳоли мурожаатларига асосан Ширинобод, Янгиариқ, Шўрбойи, Янгиобод, Хаймари поён, Бадал маҳаллаларида янги ҚВПлар фаолияти ташкил этилди.

Секторлар кесимида 1500 дан зиёд фуқаролар иштирокида оммавий сайёр қабуллар ўтказилиб 1518 та мурожаат кўриб чиқилди ва ҳал қилинди. Темир дафтар, аёллар дафтари ва ёшлар дафтари киритилган аҳолининг ижтимоий-иктисодий кўмакка муҳтож қатламига манзилли ёрдамлар кўрсатилди, Саховат ва кўмак жамғармаси ҳисобидан эҳтиёжмандларга озик-овқат маҳсулотлари бериш каби тизимли ишлар амалга оширилди. 200 нафарга яқин меҳнат фахрийлари ва ёшлар иштирокида кўплаб кенг қўламли маънавий-маърифий учрашувлар ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш. ёшлар орасида китобхонликни тарғиб қилишга бағишланган оммавий тадбирлар доимий равишда ўтказилиб келинмоқда. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари орасида китобхонлик маданиятини шакллантиришга бағишланган кўрик танловлар ўтказилди. Тумanning ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида ўтказилаётган муҳим тадбирлар оммавий ахборот воситалари ҳамда босма нашрлар орқали ёритилиб борилмоқда.

Маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган ҳоким ёрдамчилари ўйма-уй юриб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ўрганиб чиққанидан кейин 1179 нафар фуқарога 19.9 млрд. сўмлик ёрдам кўрсатилди. Натижада 2145 нафар янги иш ўрни яратилди, аҳоли орасида ишсизликни бартараф этиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича кўзга кўринарли ишлар бажарилди. Ҳоким ёрдамчилари кўмагида тадбиркорлик қилиш истаги бор фуқаролар Online-mahalla.uz платформаси орқали ариза топшириб имтиёзли

кредитлар учун тавсиянома олиб тадбиркорлик фаолиятини бошламоқда.

Туманда озик-овқат захирасини яратиш, хусусан мавжуд экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, шу жумладан ғалладан бўшаган ер майдонларида такрорий экин экишни йўлга кўйиш орқали маҳсулотларни кўпайтириб, бозорларимиздаги нарх-навони мувозанатда ушлаб туриш борасида ҳам ишлар жадал олиб борилмоқда. Шунингдек, боғдорчилик, узумчилик ва кўчат етиштириш бўйича ҳам юқори тажрибаларни ўрганиш асосида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Тизимли ишларни амалга ошириш жараёнида куз-қиш мавсумида махсус штаб тузилиб аҳоли хонадонлари ва ижтимоий объектлар мактаб, ДМТТ ва тиббиёт пунктларидаги шарт-шароит-

лар назоратга олинди. Аҳолини табиий газ ва суюлтирилган газ, электр энергияси билан узлуксиз равишда таъминлаш мақсадида тумандаги барча куч ва воситаларни жалб қилган ҳолда янги махсус амалиётлар қўлланилиши ташкил этилди. Президентимиз ташаббуси билан қисқа муддатда Самарқанд туманининг ўзида ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларида 35 та, аҳоли хонадонларига эса 264 та кичик қувватдаги қайта тикланувчи энергия манбалари – қуёш панеллари ўрнатилиб аҳолини узлуксиз равишда муқобил электр энергияси билан таъминлаш борасида ишлар бажарилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқанд тумани ҳудудида “Бокий шаҳар” мажмуаси барпо этилди. Эндиликда Самарқанд туризм маркази ҳудудида қадимда ота-боболаримиз томондан яратилган архитектура намуналари асосида эски Самарқанд қиёфасини такрорлайдиган «Бокий шаҳар» тарихий мажмуаси ўзининг бетакрорлиги, билан ажралиб туради. “Бокий шаҳар” мажмуаси безакларида қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган Сўғд давлати ҳукмдорининг Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилган.

Мухтасар айтганда, Янги Ўзбекистоннинг Халқ қабулхоналари бугун фидойи халқимизнинг том маънодаги дарду-ташвишини тинглаб, қувончларига шерик бўладиган, улар дуч келадиган муаммоларни ишончли ҳал этадиган ўзига хос тузилмага айланди. Ҳокимият ва халқ ўртасида очик, шаффоф мулоқот қилиш тизими яратилди.

Бундай улугвор, эзгу ишлар жойларда қонун устуворлигини таъминлаб, одамларни рози қилиш, уларнинг эртага эмас, айнан бугун яхши яшаши, муносиб турмуш кечириши учун барча шароитларни яратиш беришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлмоқда. Инсонларни кадрлаш уларга фаровон турмуш тарзини яратиш бериш бундан буён ҳам халқ қабулхоналарининг ҳаётий мезони бўлиб қолади.

**Илҳом МУРОДОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд туманидаги Халқ қабулхонаси мудири, юридик фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори.

(Боши 1-саҳифада)

Президентимизнинг нафақат БМТ, балки жаҳон тарихида янги саҳифа очиб, ёрқин из қолдирган бу нутқи Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи тинчлик ва тараққиёт тарафдори эканлигини, бу йўлда ҳамжиҳатлик ва амалий ҳамкорлик руҳини сақлаш, умумий манфаатларни мавжуд зиддиятлардан юқори кўйиш билан мамлакатларни жипслаштириш зарурлигини баралла баён этганлиги, шу муносабат билан дунёвий аҳамиятга эга бўлган энг долзарб таклифларни илгари сургани эътирофга моликдир. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистонда Юнеско шафелигида “Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини” ташкил этиш ҳамда буюк алломаларнинг бой меросини чуқур ўрганиш, исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини бекамикўст очиб бериш мақсадида 2024 йил мамлакатимизда “Ислом – тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббуси қўллаб-қувватланганлиги бугун учунгина эмас, эртанги кун учун ҳам халқларнинг тинч-тотувлиги йўлида ташланган ишончли ва самарали қадамлардан бири бўлиб хизмат қилади.

“Ён қўшни – жон қўшни” деганларидек, биз жафокаш афғон халқининг ўз ёғига ўзи қоврилиб ўтиришига бефарқ қараб туролмаймиз. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни сусайтириб бўлмайди. Энг муҳими, “Афғонистоннинг музлатилган халқаро активларини бу юртдаги ўтқир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтириш учун мақбул механизмларни ишлаб чиқиш” кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланади. Бу оғрикли масалани ҳал этишда БМТ ташаббуси ўз қўлига олиб, астойдил ҳаракат қилса, афғон халқининг кўксига шамол тегиб, қаддини ростлаб олиш имкониятлари пайдо бўлмай қолмайди. Бунинг учун бу нуфузли ташкилотга аъзо давлатлар бир ёқадан бош чиқариб, Афғонистонга дўстона амалий ёрдам кўрсатсалар ҳар жиҳатдан оқилона иш тутган бўлур эдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида қатнашган давлатлар раҳбарларининг эътиборини тортган таклифлардан яна бири Президентимизнинг сайёрамизни келгуси авлодларга қандай ҳолда қолдирамиз деган фикри бўлди. У бу катта муаммони қандай ҳал этиш мумкинлиги ҳақида гапириб, шундай деди: “Мустаҳкам тинчлик ва фаровонликка фақат умумий интилишлар ва биргаликдаги ҳаракатлар билан эришиш мумкин. Бизга ўзаро ишонч, бирдамлик ва ҳамкорлик руҳи ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарур.” Ҳақ гап. Ўзаро ишонч, бирдамлик ва ҳамкорлик чуқур илдиз отган жойда тинчлик ва тараққиёт бўлади. Одамлар ҳалол меҳнат мевасидан баҳраманд бўлиб, аҳил ва бахтли ҳаёт кечирадилар. Мухтасар қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг БМТ минбаридан туриб, ўз фикр-мулоҳазаларини таклифларини ўзбек тилида ғурур ва қатъиятлик билан ирод этиши жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотибгина қолмай, билдирилган таклиф ва ташаббусларга камарбаста бўлишга илҳомлантириши ҳам шак-шубҳасиздир. Айни пайтда, Президентимизнинг бу нутқи қаддимизни ҳам, кадримизни ҳам янада баланд қилиш баробарида барчамизнинг зиммамизга ўзбек тилида тиник ва раван сўзлаш ҳамда ёзишдек шарафли вазифани юклаганлигини ҳам унутмаслигимиз ва уни бурч сифатида қабул қилмоғимиз керак! Ҳамиша ва

ҳамма жойда ўз она тилимизда раван гапиришни, унинг нималарга қодирлигини намоён этиш ҳар биримизнинг бурчимизга айланмоғи лозим.

Тўғри, ҳар ким ўз тилида ва шевада сўзлашга ҳақли. Бунга қонун монелик қилмайди. Лекин, давлат идораларида ўзбек тилида иш юритиш, яъни гапириш ва ёзиш қонун талаби. Ёдингиз-



## ОНА ТИЛИМИЗ ЖОЗИБАСИ

да бўлса, давлат ташкилотларида ишлайдиган бошқа миллат вакилларининг ўзбек тилини ўрганишлари учун муддат белгиланган эди. Афсуски, бу муддат аллақачон ўтиб бўлди. Ҳеч ким эътибор бермагани учунми, давлат ташкилотларининг айримларида давлат тили бир четда қолиб, яна аввалгидай билган ўзбек тилида, билмаган рус тилида иш юритмоқда. Ўзи ўзбек бўла туриб, давлат тилида гапиришни, ёзишни билмайдиган раҳбар ва мутахассисларга бу уят эмасми? Қатор-қатор вазирликлар, ташкилот ва олий ўқув юртларида ўзбек тилида иш юритиш бўйича тайинланган масъулларнинг бошқа соҳадан номигагина қўйилганлиги ёки шундай лавозим ташкил этилиб, унга ўзбек адабий тилини яхши биладиган мутахассис тайинланмаганлиги ўз она тилимизга бўлган лоқайдлигимиздан далолат бермайдими?! Телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида шевада мулоқот қилиш одатга айланганлигини кечириб мумкинми? Бу касаллик кино ва сериалларга ҳам юққанлиги ачинарли эмасми? Икки ўзбек “юлдуз” санъаткорнинг она тилимиздаги телекўрсатувда русча гапириши ғашингизни келтирмайдими, асабингизни бузмайдими, нафсониятингизга тегмайдими? Кўча-кўйдаги хато ёзилган рекламаларни, катта-кичик корхоналару дўконларнинг лотин ёки хорижий тилда ёзилган ғирт мантисиз номларини бирма-бир айтишнинг фойдаси борми-кан? Интернет сайтларидаги у ёки бу воқеага билдирилган муносабатларни ўқиб, куйишингни ҳам, қулишингни ҳам билмайсан киши. Тўғри ёзилган жумланинг ўзи йўқ. Бунинг устига мантисиз. Бу чаласаводликдан дарак бермайдими? Яхшиямки, бу шармандаликни ўзбекдан бошқа биров ўқимади. Илоҳим ўқимасин ҳам!

Бир вақтлар юртимизда фаолият кўрсатган Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси Даллип Мехтанинг рафиқаси она тилимизга астойдил меҳр қўйиб, уни яхшигина ўрганган, ёзувчи, шоир, олим ва санъаткорлар билан дўст тутиниб, улар билан тез-тез учрашиб,

ўзбек тилида ўқиган китоблари ҳақида мароқли суҳбатлар қуради. Афсуски, баъзан тўрт қаторлик аризани эплаб ёза олмаган ёшларимизга дуч келганимизда ўша хинд аёли ёдингга тушиб, ўз она тилини пухта ва пишиқ билишни ҳаёлига ҳам келтирмаётган юртдошларимиздан кўнглинг оғримай қолмайди.

“Давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур, — деган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев. — Ёш авлод қалбига она тилимизни болаликдан сингдириш мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукамал ўрганишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Токи, болаларимиз ўзбек тилида раван ўқийдиган, раван ёзадиган ва теран фикрлайдиган инсонлар бўлиб етишсин”.

Бу садо ҳар бир оиланинг, ҳар бир ота-онанинг, ҳар бир таълим муассасасидаги раҳбар ва ўқитувчининг доимий диққат-эътиборида бўлиши, фаолиятининг мазмунига айланиши шартлигини ҳаётнинг ўзи такозо этмоқда. Чунки, бу долзарб масалага эртани ўйламасдан юзаки қараётганимиз фарзандларимизнинг ўз фикрини ўзбек тилида раван ифода этолмаслигида ва раван ёзолмаслигида яққол кўринмоқда.

Ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини, айниқса, бадиий адабиёт муталаасига меҳр-муҳаббатини ошириш борасида қабул қилинган ҳужжатлар, шунингдек, “Адиблар хиёбони”нинг тантанали очилиш маросимида билдирилган фикрлар ўзбек тилини чуқур ўрганиш ва қонун ижросини тўла таъминлаш ҳақидаги даъват эмасми?! Боғдаги буюк мутафаккирлар, шоир, ёзувчи ва олимлар ҳаёти ва ижодини ўқиб ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида ҳукуватимизнинг 2020 йил 24 августда қабул қилган қарори асосида пойтахтдаги йигирма тўртта олий ўқув юртига уларнинг бириктирилиши-чи?! Бу тарихий қарор талаба-ёшлар ўртасида китобхонликни кучайтириш, Алишер Навоидан Абдулла Ориповгача, Абдулла Қаҳҳордан Ўткир Ҳошимовгача, Абдурауф Фитратдан Озод Шарафиддиновгача бўлган адабиётимиз дарғаларининг асарларини ўқиб-ўрганиш орқали она тилимиз нуфузини ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган эмасми?! Ўтган уч йилда ким нима иш қилди? Қандай ибратли ишларни амалга оширди? Олий ўқув юртлари талабаларининг бу ердаги ҳафталик ташрифи адабиёт байрамига айланиб, уларнинг ҳақиқий китобхон ва ўзбек тилининг жонқуяри эканликларини намоён этаяптими? Ёки у ҳафтадан бу ҳафтада йигирма-ўттиз талабани “Адиблар хиёбони” га олиб бориб, (олий ўқув юртларининг ҳаммаси эмас) бириктирилган адиб ҳайкали олдида хўжа кўрсинга тадбир ўтказиб қайтиш билан мақсадга эришяпмизми?

Хуллас, ўз тилини севмаган, унинг кадрини билмаган киши ўзга тилларни сева олмайди ва кадрини ҳам билмайди. “Она тилимни севмасам, сўзларига махлиё бўлмасам, ҳайратланмасам, менга шоирлик қайда эди!”, деган севимли шоиримиз Эркин Воҳидов гўзал шеърлар, гўзал ғазаллар битармиди?!.. Бу мисоллар она тилимизнинг нақадар бойлигини, нақадар гўзаллигини, нақадар жозибали ва қудратли эканлигини англатади! Англатибгина қолмай, ҳар биримизни ҳамма жойда ўзбек эканлигимиз билан, ўзбек тилида бенуқсон гапиришга ундаши билан ҳақли равишда фахрланишга ҳам чорлаб турибди.

Нуриддин ОЧИЛОВ,

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

(Боши 1-саҳифада)

Тинчлик-хотиржамликни таъминлаш давлатнинг оқилона сиёсатига боғлиқ. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам ўз маърузаларидан бирида ички ишлар органлари жамият ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутишига алоҳида тўхталиб: “Халқимиз Яратгандан, аввало, тинчлик-хотиржамликни сўрайди. Шундан сўнг, ўз уйим, бошпанам бўлса, оилам, бола-чақам билан соғ-саломат яшасам, дейди. Биз халқимизнинг ана шундай орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун иккита масалага, яъни ички ишлар ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратаёلمиз”, деган эдилар.

Ўтган 7 йил мобайнида Ички ишлар органларини ўз хизмат бурчи – Халқ манфаатларига хизмат қилишни сўзсиз бажарадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш борасида тарихий ислохотлар амалга оширилди.

Ҳаракатлар стратегияси форматида 2017 йилнинг 10 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳа фаолиятини янги босқичга олиб чиқди.

Ички ишлар органларидаги барча таркибий ва ҳудудий бўлинмалар, жумладан, профилактика, жиноят қидирув, тергов, йўл-патруль ва патруль-пост хизматлари, эксперт-криминалистика ва паспорт бўлинмалари мутлақо янгича мезонлар асосида қайта шакллантирилди. Алоҳида таъкидлашни истардимки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ходимлар хизмат фаолиятига хос бўлмаган кўплаб ишлардан озод этилгани Ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Ички ишлар органлари инновацион рақамли технологиялар ва ахборот-коммуникация тизимлари билан мунтазам таъминланиши ИИОлари тарихида мутлақо янги даврни бошлаб берди. Тизимда илм-фан ютуқлари ва илғор технологиялардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида жамият ҳаёти учун катта таҳдид бўлган уюшган жиноятчилик, терроризм, экстремизм, коррупция, одам савдоси ва наркотрафикка қарши кураш кучайтирилмоқда.

2016 йилларда битта туманда бўлса агар иккита техникаси бўларди. Профилактика инспекторлари учун хизмат машиналари орзу эди. Моддий таъминот масаласи қувонарли ҳол эмасди. Уй-жой масаласи кескин муаммо эди. 2017 йилдан бошлаб хизмат уйлари қурилиб, уй-жойга эҳтиёжи бўлган ва хизматда алоҳида ўрнатилган ходимларнинг оилаларига топширилгани ҳам Ички ишлар органлари ходимларига бўлган катта эътибор маҳсулидир.

Ана шундай ислохотларимиз натижасида ички ишлар органлари замонавий техника билан таъминланган, халқчил ва очиқ, криминоген вазиятни мустаҳкам ва ишончли назорат қила оладиган, мобил ва ихчам тузилмаларга айланиб бормоқда.

Ички ишлар органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг янги тизими ўрнатилгани, ички ишлар органи бошлиғидан тортиб профилактика инспекторигача халқ олдида ҳисобот берадиган амалиёт жорий этилгани аҳолининг уларга бўлган ишончини янада оширмоқда. Ички ишлар органлари фаолияти қонунийлик, очиқ-ошқоралик тамойилига асосланиб ташкил этилмоқда. Одамларни эшитиш, муаммоларини ўрганиш тизими яратилди. Ички

ишлар органларининг аҳолига яқинлиги таъминланди.

Ички ишлар органларидаги ислохотларнинг асосий йўналиши Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг ноябрь ойида ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек: “бугунги кунда энг катта масала, бу - ички ишлар тизимининг қуйи бўғинини мустаҳкамлашдан иборат” эди. Илгарилари ички ишлар органларининг ўта марказлашган ҳолда жойлашуви уларнинг ўз вазифаларини самарали ҳал қилишига имкон бермас эди. Бу, бир томондан, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги пасайишига олиб келаётган бўлса, бошқа томондан, аҳолига ўз муаммосини ҳал қилишда ноқулайлик туғдирар эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев профилактика инспекторлари келгусида ўз хизмат фаолиятини «Ички ишлар органларининг маҳалладаги

сентябридан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида махсус жиҳозланган хизмат хоналарига эга бўлган инспектор-психологлар фаолияти йўлга қўйилди. Қайд этиш керакки, энди бевосита жойларга чиққан ҳолда профилактика инспекторлари томонидан ҳар бир оила ва хонадондаги муҳитни, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий, инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш бўйича «Хавфсиз хонадон» ва «Хавфсиз ҳовли» тизими ишламоқда.



## ХОТИРЖАМЛИКДА ЯШАШ —

вакили эмас, балки маҳалланинг ички ишлар органларидаги вакили сифатида олиб бориши ва ўз ҳисоботларини ана шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда тақдим этиши лозим» деган эдилар.

2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга мувофиқ, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилган янги механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда ички ишлар органларининг роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор билан “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани маҳалла ва

Бу эса нафақат профилактика инспекторларида “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак”, деган туйғуни шакллантиришга интилиб хизмат олиб бориш мотивациясини қарор топтириш билан бирга Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, бугун “профилактика инспектори текширувчи ёки назоратчи эмас, балки барча ҳаётий масалаларда маҳалла аҳлига кўмак берадиган, чинакам елкадош, ёнма-ён турадиган куч”га айланмоқда.

Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг мутлақо янги ва ўзига хос тизими яратилиб, кейинги пайтда “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш усуллари профилактика инспекторларининг кундалик хизмат фаолиятига айланди. Шу асосда муаммога оид мавҳум кўрсаткичлар эмас, балки ёрдам ва кўмакка муҳтож ҳар бир оила ва фуқаронинг, хотин-қизлар, ёшларнинг муаммолари ўз жойида аниқ ўрганилмоқда, улар вақтида ва самарали ҳал этилмоқда. Самарали бошқарувнинг натижадорлигини халқимиз

ўзида ҳис этмоқда, энг муҳими, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга, ўзининг тақдири ва эртанги кунга ишончи ортмоқда. Бугун профилактика инспекторлари орасида фаол, ишнинг кўзини биладиган, чуқур фикрлайдиган янги авлод вакиллари етишиб келаётганини ҳам таъкидлаш керак. Улар аҳоли ва айниқса ёшлар билан очиқ мулоқот қилмоқда, ташаббус кўр-

сатмоқда, мустақил ва дадил иш олиб бормоқда. Бугун шахсий масъулият ва жавобгарлик ИИОлари ходимлари учун фаолиятининг бош мезонига айланди, десак муболаға бўлмайди.

Барча ҳудудларимизда аҳоли учун қулай ва шинам, барча замонавий шароитларга эга бўлган уй-жойлар барпо этилмоқда. Ҳаётимизга “арзон уй-жойлар”, “ақлли уй”, “ақлли шаҳар”, “рақамли хизматлар”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Беш муҳим ташаббус”, “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Маҳалла бешлиги”, “Маҳалла еттилиги”, “Ижтимоий профилактика” деган янги тушунча ва кўникмалар кириб келмоқда.

Ўзбекистонда архитектура ансамблига замон талабларидан келиб чиқиб, кенг ёндашилгани ва ҳозиргидек кенг кўламдаги қурилиш ишлари ва ижтимоий ифратузилмаларнинг яратилиши мамлакатимиз маҳаллаларида яратилаётган ижтимо-

**ИИВ Академияси профессор-ўқитувчиларининг ҳудудлар кесимидаги илмий кузатувлари шундан далолат бермоқдаки, маҳаллаларда криминоген вазиятни яхшилашнинг энг муҳим омили сифатида бириктирилган ҳудудда тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ва аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлашга йўналтирилган чораларнинг кўрилиши жиноятчиликни олдини олишда куч бермоқда.**

қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашнинг ташкил этилган ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Туман, шаҳар ички ишлар органлари таркибида 2 000 та штат бирликларидан иборат вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог лавозимларини жорий этилиши ҳамда уларнинг бевосита хизмат ўташ жойи этиб умумий ўрта таълим муассасаларини белгиланиши вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни барвақт олдини олишга хизмат қилади. 2021 йилнинг 1

ий ва иктисодий қулайликлар жиноятчиликнинг олдин олишга имконият яратди. Ўзбекистон бу йўлда 7 йил ичида катта тажриба орттирди. Эътироф этиш зарурки, миллий тарихимизда қишлоқ ва маҳаллаларимизни ободонлаштиришга ҳеч қачон бунчалик катта маблағ ажратилмаган.

Сифатли архитектура аҳолининг фаровонлиги, тинч-тоғувлиги ва маданиятнинг ривожланишига хизмат қилиши ҳақида хорижий тадқиқотларда исботланган. Ўтган асрнинг 80-90 йилларида Нью-Йорк шаҳри полицияси томонидан юқори даражадаги жиноятчилик қайд этилган ҳудудларда жиноятчиликни камайтириш учун, ўша ҳудудларнинг социал объектларини қайта реконструкция қилиш, инфратузилмаларни қайта тиклаш, бинолардаги “граффити”ларни тозалаш ва кўчаларни ёритиш тадбирлари қўлланилган ва ушбу стратегия 10 йил ичида жиноятчиликни 56 фоизга камайтирган.

## ОЛИЙ САОДАТ

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини таъминлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бунинг учун энг қуйи тизим – профилактика инспекторлари тизими замонавий тузилма сифатида шакллантирилди. Улар эндиликда маҳалла идоралари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

ИИВ Академияси профессор-ўқитувчиларининг ҳудудлар кесимидаги илмий кузатувлари шундан далолат бермоқдаки, маҳаллаларда кримноген вазиятни яхшилашнинг энг муҳим омили сифатида бириктирилган ҳудудда тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ва аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлашга йўналтирилган чораларнинг кўрилиши жиноятчиликни олдини олишда куч бермоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк кунларида ноқ “Одамлар тинчлигини асраш учун аввало инспекторнинг ўз оиласидан кўнгли тинч бўлиши керак”, деган эзгу ғояни илгари сурган эди. Эслайлик. 2017 йилдаёқ хайрли ва хосиятли ғояни амалга ошириш мақсадида Президентимиз ташаббуслари ва бевосита раҳнамолигида тарихда бўлмаган, мислсиз ишлар амалга оширилди. Эътибор қаратинг. 2017 йилнинг ўзидаёқ ички ишлар органи таянч профилактика инспекторларининг 6 минг 969 нафарига тантанали равишда хизмат уйлари ва шахсий автомашина топширилди. Бугунги кунда улар ҳеч бир қийинчиликсиз фуқаролар мурожаатлари юзасидан манзилларга тезкорлик билан етиб бориб, кўтарилган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 октябрда Ички ишлар органлари ходимлари касб байрами муносабати билан йўллаган табригида “Ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган ана шундай ўткир, кечиктириб бўлмас талаблардан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш учун ички ишлар органлари учун интеллектуал ва профессионал билим даражаси, маънавий-ахлоқий савияси юқори бўлган кадрлар тайёрлаш бўйича сифат жиҳатидан янги тизимни жорий этиш” вазифасини қўйган эдилар.

Янги Ўзбекистоннинг Ички ишлар органлари сафларини софлигини ва “шараф” деган муқаддас номга доғ туширмаслик эҳтиёжларини ҳисобга олиш заруратидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрель куни тасдиқланган “Ички ишлар орган-

ларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси” ва 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси”нинг асосий мақсади ходимларни



ҳар қандай шароитда давлат ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган, миллий кадриятларга содиқ, умуминсоний кадриятларга таянадиган, ёт ва бузғунчи ғояларга мурасасиз қурашувчи, иймон-эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавий-ятли ва фидойи, ажодларимиз ва мардлик кўрсатиб ҳалок бўлган ходимларнинг бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс сифатида тарбиялаш, улар қалбида давлат ва халқимизнинг хавфсизлигини таъминлашда шахсий дахлдорлик ва юқори масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат.

Концепция доирасида ички ишлар органлари томонидан таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Концепция ички ишлар органлари амалиётига оғишмай татбиқ этилиши натижасида, ходимларнинг маънавияти ва интеллектуал салоҳияти юксалади ҳамда бой маданиятимиз, азалий кадриятлар ва анъаналаримизга асосланган дунё қарашини шакллантиришга йўналтирилган ягона тизим яратилади.

Жумладан, ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи ўқувчилари онгида ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришга қаратилган “Ички ишлар органлари тарихи” ва “Ватанпарварлик асослари”, идоровий академик лицей ўқувчиларини миллий анъана ва кадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида “Маънавият асослари” фанлари ўқитилиши йўлга қўйилди.

Идоровий академик лицейлар ўқувчиларини миллий анъана ва кадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида “Маънавият асослари” фани ўқитила бошланди.

Ички ишлар вазирлиги Академиясида ҳам курсант ва тингловчиларнинг Ватан ва халқ ман-

фаатларини шахсий манфаатлардан устун қўядиган, қонунларга қатъий бўйсунувчи, касбига садоқатли ходимлар сифатида тайёрлаш мақсадида “Ички ишлар органлари ходимининг муомала одоби ва эстетикаси”, “Ватанпарварлик тарбияси” ва “Касбий маданият” каби фанлар ўқитилмоқда.

Бугунги кунда ички ишлар органлари тизимида ҳар ҳафтада “Ватанпарварлик куни” тадбирлар комплекси ташкил этилиши йўлга қўйилди. Айни вақтда ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар тарбиявий, тарғибот ташвиқот, психологик фаолият, ижтимоий ҳуқуқий фаолият, маданий тадбирлар каби йўналишларда кенг камровда олиб борилмоқда.

Ҳар қандай давлатда кадрлар сиёсатининг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан тартибга солинганлиги, хусусан полиция тизимларида кадрларни сифатли тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда кадрлар барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида аҳолининг, қолаверса, чет эл инвесторларининг давлатга, хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан бўлган ишончини янада ортишига, мамлакатда тинчлик ва осойишталик таъминланишига, унинг ривожига муносиб ҳисса қўшишга сабаб бўлади.

Бугун ички ишлар органлари ходимларини касбий тайёрлашга бўлган давлат стандартлари ва талаблари ошаётганлиги боис жорий этилган “Ўқув-карьерта тамойили” сабабли фаолияти халқ орасида кечадиган ички ишлар органлари ходимларининг саводхонлиги ошиб бораётганлигини таъкидлаш жоиз. Ички ишлар органларида чуқур касбий ва юридик билимга эга мутахассисларнинг борлиги жамият аҳлини ўз ҳимоячиси бўлган ходимлар фаолиятига ишончини тобора орттиради.

Инсоният, одатда, эришилган билим ва тажрибаларни мустаҳкамлайди, доимо ривожлантиради, ижтимоий ҳаётни меъёрга солади. Шу боис, янгиланаётган Ўзбекистон учун малакали кадрлар тайёрлайдиган ИИВ Академияси бу ишни такомиллаштиришнинг янги шакллари, услубларини изламоқда. Ижтимоий ҳаёт талаб этаётган ўқув режалари янгиланмоқда, замонавий дастурлар, янги авлод дарслик ва қўлланмалар яратилишига куч берилмоқда.

Бугун ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари тизимда метин ва мустаҳкам буюк кучни шакллантиришга қодир бўлиш учун ИИОнинг ҳар бир ходими ўз касбига содиқ, ҳалол ва адолатли бўлиши зарурлигини сингдиришга катта эътибор қаратмоқда. Айниқса тизим фаолиятига зид, яроқсиз ишлар, шошилмоқ, енгил-елпилик тубан одамларга хос бўлган одатлар эканлиги, ходимлар ундан йироқ туриши, тубанларнинг яқинлашиб келиши бало ва азоблар аломати эканлигини унутмаслиги даркорлиги, фисқу фасод қут-саодат душмани, тизимни бузувчи иллатлиги ва қут, яъни бахт-икбол муқаддас бўлиб, у поклик ва адолатни такозо этишига оид видеороликлар намойиши ва уни шарҳлаш, “Очиқлик, ҳалоллик бўлса, сифат бўлади, халқ олдида юзингиз ёруғ бўлади”, “Инсон иймон-эътиқодли бўлса, юртига содиқ бўлиб хизмат қилса, у ҳақиқий ватанпарвар бўлади”, каби эзгу ғояларини сингдириш ўқув машғулотларнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳа, бугунги кунда Ички ишлар вазирлигининг барча соҳавий хизматлари ходимлари юксак эътиқод билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Ички ишлар ходимлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин”, деб сафарбарликка йўналтирилган эзгу давъатини бажариш йўлида бор билими, куч-ғайрати ва бутун борлиги билан давлат ва халқимиз хавфсизлигини таъминлашда шахсий дахлдорлик ва юқори масъулият ҳисси билан ёндашмоқда.

**Шариф ҚОБИЛОВ,**  
ИИВ Академияси профессори, полковник

# МЕХНАТ ҚОНУНЧИЛИГИГА РИОЯ ҚИЛИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА



Тошкент вилояти Давлат меҳнат инспекцияси томонидан 2023 йил давомида вилоятдаги 322 та корхона ва ташкилотларда, жумладан 70 та бахтсиз ҳодисалар юз берган корхоналарда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари топшириғи бўйича 547 та корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа меҳнат қонунчилиги талаблари бажарилиши юзасидан ўрганишлар ўтказилди.

Давлат меҳнат инспекцияси томонидан корхона ва ташкилотларда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар берилиши ўрганилганда 235 та субъектда ишчи-ҳодимлардан 5 067 135 минг сўм иш ҳақидан қарздорлик ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланди. Ушбу қарздорликни ундириш бўйича инспекторлар томонидан 470 та субъектга даъво аризаси киритилиб 2 320 068 минг сўм қарздорлик ундириб берилди, 136 та ташкилот (инспекция ёзма кўрсатмасидан сўнг) ўз хоҳиши билан 679 951 минг сўм қарздорликни тўлаб берди.

Шунингдек, ташкилотларда ноҳақ ишдан бўшатилган ходимларни ишга тиклаш бўйича судларга 25 та даъво аризаси киритилиб қаноатлантирилди (ишга тикланди), ишга қабул қилиш мажбуриятини юклаш бўйича 6 та даъво аризаси киритилиб, ходимни ишга қабул қилинишига эришилди.

Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари томонидан бўш иш ўринларини аниқлаш борасида олиб борилган мониторинг натижасида бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотни тақдим этмаган 246 та корхона, бўшатилиши мўлжалланаётган ходимлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаган 90 та корхоналар аниқланиб, 225 та корхонада ўрганиш ўтказилди. Ўрганиш натижасида 175 та корхона 244 та бўш иш ўринларини

яширганлиги маълум бўлди. Бўш иш ўринларини яшириб маълумот тақдим этмагани учун 251 нафар мансабдор шахслар 555330 минг сўм миқдорда маъмурий жаримага тортилди.

Туман (шаҳар) ҳокимларининг тегишли қарори билан 1361 та корхона ва ташкилотларда ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун 2023 йилда 6580 та квота иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, инспекторлар томонидан ўрганиш ўтказилганида жорий йил 1 октябрь ҳолатига 1265 та корхонада 2046 та квота иш ўрни яратилмагани маълум бўлди. Квота иш ўрни яратмаган 11 та ташкилотга ёзма кўрсатма берилди, 4 та корхонага тақдимнома киритилди, 11 нафар мансабдор шахсга 39900 минг сўм миқдорда маъмурий жарима солинди.

Давлат меҳнат инспекциясига 2023 йил 9 ойи давомида фуқаролардан 1619 та мурожаатлар келиб тушди, ушбу мурожаатларнинг 1017 таси қаноатлантирилди, 405 таси бўйича тушунтириш берилди, 160 та мурожаат тегишлилиги бўйича бошқа идораларга юборилди, 37 та мурожаат аноним эканлиги аниқланиб қолдирилди.

Ўтган 9 ой мобайнида мажбурий меҳнатга оид 16 та мурожаат келиб тушди, мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича жойларда 120 марта ўрганишлар ўтказилиб, 85 нафар ходим мажбурий меҳнатга жалб қилинганлик ҳолати аниқланди,

мажбурий меҳнатга йўл қўйган 7 нафар мансабдор шахс 127500 минг сўм миқдорда маъмурий жаримага тортилди.

2023 йил ўтган даври мобайнида Тошкент вилояти ҳудудидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ юз берган 70 та бахтсиз ҳодиса – 2 та гуруҳий, 28 та ўлим билан тугаган, 37 та оқибати оғир, 3 та ўртача оғир ҳодисалар махсус текширилди. (Юз берган ҳодисаларда 28 нафар ходим ҳалок бўлган, 38 нафар ходим оғир жароҳатланган, 3 нафар ходим ўртача оғирликдаги жароҳат олган, 4 нафар ходим енгил жароҳат олган). Бахтсиз ҳодисаларнинг рўй беришида 635 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди, меҳнат муҳофазаси талаблари бажарилмаслигига йўл қўйган мансабдор шахсларга чора кўриш мақсадида ички ишлар органларига ҳулосалар юборилган.

Меҳнат соҳасига оид қонунчилик талабларини тарғиб қилиш борасида вилоятдаги барча 22 та туман ва шаҳарлардаги ҳокимлик мажлислар залида корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан, Мактабгача ва мактаб таълими бўлимларида таълим ташкилотлари ходимлари билан, Тиббиёт бирлашмаларида соғлиқни сақлаш ташкилотлари ходимлари билан 129 марта семинарлар ўтказилди, 13 та тадбиркорлик субъектларида тушунтириш ишлари олиб борилиб меҳнат соҳасига оид 798 та қўлланмалар тарқатилди, оммавий ахборот воситаларида 93 марта чиқишлар қилинди.

Бундан қутилган асосий мақсад эса меҳнат қонунчилигида кўрсатилган талаблар асосида иш олиб бориш ва фуқаролар манфаатини доимо ҳимоя қилиб боришдан иборатдир.

**Маъруф ТАШКУЛОВ,**  
Тошкент вилояти Давлат меҳнат назорати инспекцияси бошлиғи.

## ХУШТАКНИ КИМ ЧАЛАДИ?

(Боши 1-саҳифада)

Шу қадар савиясизлик бўладими, нима демоқчи ўзи, у?! Бундан ташқари шаҳарда миллат тилига нисбатан шу каби “хурмача” қилиқларни керагидан ортиқ учратишимиз мумкин. Кичик кўринишдаги турли хизмат кўрсатиш шохобчаларидан тортиб маҳобатли меҳмонхоналаргача бўлган объектлар номининг барчаси ё рус, ё ажнабий тилда. Аксарияти эса юқоридаги сингари аралаш миллат тили билан қаққайтириб кўрсатилган. Жумладан, “Sity shari”, “Kanstovari”, “Golden haus”, “Etalaoun”, “Evalitoun”, “Magic sity”, “Food sity” “Silk-art” каби уларнинг номини келтирамиз десак, “ие, ўзбек тили қаерда қолди”, “бу ерда ўзбек тили қани”, “бу халқнинг ўз тили бўлмаганми”, деган иддаомуз саволлар туғилмайдими?!

Ташкент ситй, Олмазор ситй, Юнусобод ситй; вилоятларда эса Термиз ситй, Жиззах ситй, Самарқанд ситй, Ховос ситй, Гулистон ситй... Хуллас, ҳамма жойни совуқдан-совуқ, ёт сўзлар ажнабийлаштириб, жозибасини йўқотиб, жангсиз, оҳанрабонос сўзлар орқали ўзларига ўхшатиб, тилимизни “ранги совуқ” қора лойга қориб ташлади. Камига яна инвестиция, инновация, модернизация, мотивация каби “ция-ция”лардан иборат янада кўпол ва “совуқ сўзлар” пайдо бўлди. Шундай, лекин янги ўзбек-лотин алифбосида эса “Ц” ҳарфининг қораси ҳам кўринмайди. Ахир

мазкур тилимиз учун бегона бўлган янада мазкур “совуқ сўзлар”нинг ҳар бирининг ўзбек тилида гўзал, жозибадор, оҳанги ширин, пурмаъно касб этувчи ёқимли ифодага эга атамалари борку!

Бу борада кулгили ва мантиқсиз бўлган яна бир ҳолат бор. Мамлакатимиздаги мобил алоқа компаниялари томонидан абонентларга кунига бир қанча реклама ва тарғибот смс-хабарномалари жўнатилади. Шу смс-хабарномаларнинг рус тилидагиси ҳам ўзбек-лотин алифбосида жўнатилади, бунисига нима дейсиз? Тили рус тилида, ёзув эса лотин алифбосида. Ахир ўша русларнинг ўз тили ва алифбоси борку. Рус сўзлари ва атамаларини лотин кўринишида ёзиш. Бундай ҳолга шаҳар кўчаларида айрим шиор ёки ташкилот пештахталарида ҳам гувоҳи бўламиз. Менинг эса бу каби саводсизлиги аҳмоқона “қилиқ”лардан кўнглим беҳузур бўла бошлайди.

Ачинарлиси, хусусий ОАВ ва телеканаллардаги теледастурлару уларнинг бошловчилари аҳолини айтмаса ҳам бўлади. Ўзбек ва унинг адабий тил меъёрларига тупуриб қўйган улар.

Интернет тармоқларида баъзи бир мамлакатларнинг ўз тилига бўлган эътибори, кадрлаши ва хурмати туфайли уларда қўлланилган чора ва муносабатларни кўриб, миллатимизнинг айрим вакиллари турли кўринишда ҳар хил фикрлар билдирганининг

шоҳиди ҳам бўлдим. Баъзиларининг фикрига асабим ҳам бузилди, аммо индамай жим кетдим. Уларнинг дунёқараши, фикрлаши, савияси шунга яраша экан, барибир гапирганинг қор қилмайди.


Бундан қарийб олтмиш йиллар олдин атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор: “Нима учун кўча ҳаракати коидасини бузган кишига милиция хуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч ким хуштак чалмайди?” – деб надомат билан ёзган эди. Ҳа, тил ҳақида ҳар доим ҳар даврда миллат зиёлилари, олимлар, мутахассис ва жадидлар томонидан куйиниб гапирилади, аммо натижа эса баттар ачинарли ҳолга келса келмоқдаки, ижобий томонга ўзгариш йўқ.

Азиз миллатдошим, бу мени ўртаётган ўкинчлардан бири эди. Бу ўкинч неча давралару оммавий ахборот воситаларида қайта ва қайта айланиб келмоқда. Аммо, қани, бирор савияли, миллатим, халқим дейдиган чикса, “хуштак чалса”. Бироқ уларнинг бирортаси “нима учун хуштак чалмайди?” Афсус, улардан “хуштак” тугул ҳатто сас чикмайди, аксинча, миллатнинг маънан кашшоқлашишига, булғанишига омил бўлиб, имкониёт яратишда жонбозлик кўрсатишади. Нима, “Давлат тили ҳақида”ги қонун номига, хўжакўрсинга қабул қилинганми? Миллат тилининг келажаги, тақдири шу йўсинда давом этиб, бадном бўлар экан, сиз эса “хуштак чалолмас” экансиз, бирортангизнинг тил ҳақида гапиришга ҳақингиз йўқ, “хурматли” валломатлар!

**Бекмурод АБДУРАИМОВ,**  
журналист, санъатшунос.

# ОДАМЗОТГА БЕРИЛГАН НЕЪМАТ

Таниқли болқор шоири Қайсин Қулиев (1917–1985) одамзот учун энг олий неъмат бўлган тилни эъзозлаб яшади, она тили ҳимоясига эрта киришди, керак пайтда кўксини қалқон қилди.



1939 йили 22 ёшида республика Ёзувчилар уюшмаси йиғилишида “Болқор адабиётини ривожлантириш асослари” мавзусида илмий нутқ сўзлади. Ўтган асрнинг олтинчи йиллари бошида Москвада бўлган Фанлар академияси мажлиси мамлакатдаги кам сонли миллатлар тилини истеъмолдан чиқариш ва ягона тилни ривожлантириш масаласига бағишланди.

Бу хабарни эшитган Қайсин Қулиев дарҳол мажлисга етиб борди, депутат бўлгани учун сўз навбати олишга муваффақ бўлди ва таъсирчан нутқ сўзлади: “Ҳозир тил ҳақида гапираётганлар билиб қўйсинлар, Ватан учун ҳалок бўлган қаҳрамонлар сўнгги бор она тилида “Озодлик!” дея ҳайқирганлар. Бу китобий гаплар эмас, балки ботирларнинг қони билан ёзилган ҳаёт фалсафаси, аччиқ ҳақиқатдир. Айрим олимлар “Кам сонли миллатларнинг тиллари ўлади” дея гапираётганидан хабардорман. Буни олимлар эмас, ҳаётнинг ўзи ҳал қилади. Она тили – ҳар биримиз учун табаррук тупроқ ва меҳрибон онамиз нафаси. Она тилидаги кўшиқларимиз, эртакларимиз уйимиз, отамаконимиз каби биз учун бебаҳо...” Ҳар қалай, бу нутқ академик, профессорларни бир қадар хушёрликка ундади. (Лекин кейинги 12 йил давомида Қайсин Қулиев депутатликка сайланмади). Кўп ўтмай матбуотда эълон қилинган унинг “Тилшуносга” шеъри тилга бағишланган нутқининг авж пардаси бўлиб янгради: “...Агар тил ўлса, ҳалок бўлар мисли қаҳрамон!”

У умр бўйи Кавказ тоғларининг Эльбруси ва Казбек чўққилари ораси-

даги туб миллатларидан бири бўлган болқор халқига оид қимматли маълумотлар излади ва топди. Бу халқнинг аждодлари туркий миллатга мансуб половцлар ёки куманлар деб аталган. Уларнинг тили “Куманлар кодекси” китобида (бу китоб 1303 йилда ёзилган ва кўлэзма Византиядаги Авлиё Марк ибодатхонасининг кутубхонасида сақланади) ифодасини топган ва ҳозирги болқор тилига яқин.

Тил шеъриятда, адабиётда яшайди, бойийди, авлоддан авлодга ўтади, ўзини дунёга танитади. Буни яхши тушунган Қайсин Қулиев рус тилини яхши билгани ҳолда фақат болқор тилида ижод қилди. Она тили хазинасидан унумли фойдаланган ҳолда юксак бадий асарлар яратди, уларни дунё

халқлари севиб ўқиди, ўқимокда ва ўқийверади. Шоир асарлари дунёнинг 146 тилига таржима қилинган фикримиз исботидир. Жумладан, унинг ўзбек тилида “Гул ва ханжар” (1968), “Кўзларингни севаман” (1977), “Мени ардоқлаган аёлларга” (2004), “Ҳайрат” (2013), “Менинг мукофотим” (2017) ва “Қиш эди...” (2019) номли китоблари чоп этилган.

Биз Қайсин Қулиевнинг тилга бағишланган достонидан бир парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

## МУҲАББАТИМ МАДҲИЯСИ

(Достондан парча)

*Бахтим шулки, азиз она тилимда,  
Ҳаётни улуглаб қўшиқ куйлайман.  
Бахтим шулки, яшаб қадим элимда,  
Шодлик, ташвишларни қўшиб куйлайман.  
Бахтим шулки, дон, сув, қуш, тоғлар ҳақда,  
Севги, фироқ, не бор бўлса юракда,  
Ҳамиша куйладим муҳаббат билан,  
Шеърга хизмат қилдим садоқат билан.  
Одамзот дунёга келгандан буён,  
Она тилин суяр ҳар қандай элда.  
Она тилим! Менга ўзинг қадрдон,  
Ўзга юртларда ҳам яшадинг дилда.  
Сенинг хазинанг сўз бойлигига кон,  
Уларни тақдорлаш, айтиш қандай бахт!  
Чет сўзга таржима изласанг ишон,  
Тилиннга келади сўзлар қатма-қат.  
Она тилим! Жонли неъматсан бешиқ,  
Бизга куч берасан ва завқли ижод.  
Биз сени эшитсак, сенда гаплашсак,  
Демак, биз ҳаётмиз, демак, биз ҳаёт.*

Асрор МҶМИН таржимаси

## ЖАМИЯТ BONG.UZ

### Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси  
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-1010  
Адади: 1015.

Пайшанба кун чикади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 3 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
99-791-43-23,  
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:  
20:00  
1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони  
2023 йил 26 октябрь кун чикади.

# Ҳазрати аёл

Қиш фасли яқинлашаверса, шу воқеани эслайвераман. Бир неча йиллар аввал қиш бўлишига қарамай, туманимиз чорраҳаси ёнида ёши каттароқ бир аёл олдиға кичкина матоҳни ёйиб саримсоқпиез, памидор қоқи ва қалампир сотиб ўтирарди. Ҳар яқшанба бозорлик қилиш учун кўчага чиққанимда, албатта шу аёлнинг нарса-сидан олардим. Бир сафар оёғидаги юпка пайпоқ ва калишга кўзим тушди. Унга яқинлашганимда, ҳалиги аёлнинг бир жувон билан қилаётган суҳбати қулоғимга чалиниб қолди. “Қозон қайнатишга уйда ҳеч вако йўқ, болаларим ёш”. Бу сўзларни эшитиб баданим жимирлаб кетди. Бу суҳбатдан сўнг ҳар гал унинг ёнига келиб гарчи мена керак бўлмаса ҳам аёлнинг ҳамма нарчасини сотиб оладиган бўлдим.

Орадан анча йиллар ўтди. Аёл кўринмай кетди. Бир куни Андижонга бориш учун йўлга чиқдим. “Нексия” машинаси

ёнимга тўхтади. Ҳайдовчи ёнидаги чиройли кийинган аёлнинг овози диққатимни тортди. Қаерда эшитганман бу овозни, ҳеч эслолмадим. Охири изн сўраб ўзидан сўрашга мажбур бўлдим. Шунда аёл ортига ўтирилди-да: “Мен сизни йўл бўйида турганингизда таниб ўғлимга машинани тўхтат, шу опангни олвол дедим, эсингиздами мендан майда-чуйда нарсаларни ҳар бозор олардингиз. Мен ўша аёлман, — деди кўзларига ёш олиб. — Мана ўғлим катта бўлиб ўқиди, ҳозир вилоят ҳокимлигида ишлапти. Ўша пайтларда мактаб ўқувчиси эди, тиш тирноғим билан тиришиб қийин кунларни кўрсам ҳам болаларимни бағримдан чиқармадим. Икки қизимни узатдим, ўғлимни ўқитдим, уйлантирдим. Келиним жуда оқила, қадримга етади. Лекин шу оёқ ўлгур оғриб туради, шунга ўғлим катта профессорга кўрсатиб келяпти” деди аёл.

## Буни ҳаёт дейдилар



Аёлнинг сўзларини эшитиб, кўз ўнгимга ерга ёйилган бир парча матов ва ундаги ҳар хил қоқилар гавдаланди. Минг машаққат билан фарзандларини вояга етказган, ўқитган, совуқларда дилдираб саломатлигини йўқотган бу муштипар аёлни ҳазрати Инсон дегим келди.

Шаҳноза ЭРҒАШЕВА  
Марҳамат туманидаги  
7-умумтаълим мактаби  
ўқитувчиси.



# ФАҚАТ ИШЛАЯПМИЗ,

# ҚАЧОН ҲИЛАЙМИЗ?..

этигини ечмаёк мизғиб оларди. Туғишган укасининг тўйига ҳам шу меҳнатни дея бормади. Мен унинг фожиасини кўрсатмоқчи бўлганман асарда. Лекин буни қарангки, менинг ўзим Турсунбой жонталашга икки томчи сувдек ўхшаб боряпман экан. Фақат менинг кўлимда трактор рули эмас, қалам, клавиатура... Булар шаклдаги фарқ, холос. Аслида, нима фарқимиз бор, а?..

“Онам мени меҳнат қилиш учун туққанми?”, деб қоламан туриб-туриб.

Дам олишнинг билмаймиз. Болаларни ёшликданок фойдали дам олишга ҳам ўргатиш керак экан. Эҳтимол, бизнинг фожеамиз мана шундир: фойдали дам олишни билмаслигимизда!..

Кузатишлар кўп ишлаган, кўп ҳаракат қилган одамдан зарар кўпроқ эканини кўрсатмоқда экан. Дангасалар дунё учун, табиат учун жонталашлар (ўта меҳнаткашлар)дан кўра фойдалироқ чиқаётганмуш. Чунки тинимсиз ишлаган одам ниманидир жойидан кўзгатаркан, ўзгартираркан. Бу эса дунёга зарар етказаркан. Ҳеч ҳилаб кўрганмисиз шу ҳақда?..

Демак, мен зараркунандаман. Хаёлимда эса, қилиб юрган барча ташвишларимга нуқтами, жилла курса, катта вергулми қўйиб, дам олиш кезади. ДАМ ОЛИШ ДЕГАНДА МЕН ҲИЛАШНИ НАЗАРДА ТУТЯПМАН. ЖИДДИЙ ШАКЛДА ҲИЛАШ... Навоийдан Байқаро: “Алишербек,

**Биз ўзбекларнинг, бир устозим айтганидек, жисми кўп ишлайди. Жисми кўп ишлаган одам, эл қашшоқ бўлади бугун. Буни энди мен қўшимча қилиб айтяпман.**

**Кузатишлар кўп ишлаган, кўп ҳаракат қилган одамдан зарар кўпроқ эканини кўрсатмоқда экан. Дангасалар дунё учун, табиат учун жонталашлар (ўта меҳнаткашлар)дан кўра фойдалироқ чиқаётганмуш. Чунки тинимсиз ишлаган одам ниманидир жойидан кўзгатаркан, ўзгартираркан. Бу эса дунёга зарар етказаркан. Ҳеч ҳилаб кўрганмисиз шу ҳақда?..**

Ёзда ота юртим Мингтепага борганда, ўша ерлик ойдинлар (зиёлилар) билан ҳамсухбат бўлдим. Гапдан гап чиқиб, Муқимжон деган бир дўстимиздан: “қаерда ишлайсиз?” деб сўрасам, “ҳеч қаерда” деб жавоб берди.

“А!.. Телефонингиздаги фотоларга қарасак, ярим дунёни кезиб қўйибдилар-ку таксирим, дунё кезишга маблағ керак. Бу ёқда тирикчилик бор, у қандай ўтади?” десам, майин жилмайиб: “ёзда ғишт қуяман, қишда дунё кезаман, илм қиламан” деб жавоб берди.

Қандай зўр-а! Мен бутун умр орзу қилган ҳолатда экан дўстимиз. Шунинг учун ҳаммасига улгуряпти. Мен эса, тинимсиз ишлаб ҳам ҳеч нимага улгурмаяпман!..

“Сен ғишт қўйиб сотишни орзу қилганмидинг?” деманг. Гарчи яхшигина ғишт қўйиш қўлимдан келса-да, мен бошқа нарсани айтмоқчиман: ҳаётингни бир палласи меҳнат билан, бошқа палласи саёҳат, яна бир қисми ўз уйинг-ўлан тўшагингда буларнинг ҳаммаси ҳақида мушоҳада қилиш билан кечса, қандай соз!..

Йўқса, меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат... бўлиб кетди ҳаммаси. “Айвонингда пахта, томингда пахта, Оқар оғу бўлиб қонингда пахта”, дермиди шоир. Меъёридан ошган меҳнат ҳам заҳмати кўпайиб кетган пахта каби оғудир. “Исён ва итоат” деган романимда Турсунбой жонталаш отли қахрамон бориди. Ҳаёт маъносини фақат меҳнатда деб биларди у. Эрталаб пайтава ўраб, этик кийишга вақт кетиб қолади, дея кечаси

Чунки инсон жисмоний меҳнатдан тийилган вақт калласи ишлай бошлайди...

Умримда бир марта санаторийда дам олганман. “Турон” эди адашмасам ўша масканнинг оти. 15 ё 20 йил бўлди шунгайм. Дам олиш учун тўлиқ пул тўлаб, бир кеча ётиб кўч-кўронимни кўтариб жуфтакни ростлаворганман. Малака йўқ-да малака. Дам олиш, илиқ сувда сузиш, юмшоқ қаравотда писта чақиб хаёл суриш малакаси йўқ. Бу яхши эмас. Чунки тинимсиз ишлаш – фожа. Ишламаслик учун эса, айтганимдек, малака, кўникма, тажриба, украинча айтганда, нима (йўқ!).

Жисми тинимсиз ишлаган одамнинг мияси ишқмас келади. Мияси кўп ишлаган одамнинг эса, жисми дангаса бўлади. Демак, бу ерда Мувозанат бузилгандир... Мана, менинг айтмоқчи бўлган лўнда гапим шу!.....

Биз ўзбекларнинг, бир устозим айтганидек, жисми кўп ишлайди. Жисми кўп ишлаган одам, эл қашшоқ бўлади бугун. Буни энди мен қўшимча қилиб айтяпман.

қаерга кетяпсиз?” деб сўраганида, “Халқимга, ижодимга!” деб жавоб берармиди видеофильмда... Худди шундай, кетиш керак: ўзингга, ўзлигингга, хаёлларингга бош олиб кетмоқ керак. Йўқса, ташқарида – одамлар ҳузурда жуда узоқ қолиб кетдик, чамаси, жуда узоқ...

Негадир Муқимжоннинг тутими тез-тез ёдимга тушадиган бўлиб қолди: ёзда ғишт қўйиш, қишда фикр қилиш. Қодирини эслатворадими-ей шу тутими...

Лекин қарасам, ёз меҳнат билан ўтибди, олдинда қиш... зиёлининг тикир-тикир қилиб компьютерда ишлайдиган вақти. Яна иш, яна меҳнат... яна ҳаёт билан, тирикчилик билан боғлиқ ташвишлар... Қачон меҳнатга ора бериб, Одам отадан бошлаб барчаси ҳақида мундай ёлчичи бўлиб оларкин бу эл, а, қачон?..

Улуғбек ХАМДАМ,  
ёзувчи